



G'allaorol sh. 130400. S. Raximov ko'chasi,

Tel.: (372) 432-12-41, fax (372) 432-21-48, web-site: gallaorol-xtb.zn.uz, e-mail: [gallaorol\\_xtb@xvtv.uz](mailto:gallaorol_xtb@xvtv.uz)

28 Июн 2022 йил.

29 - сонли

## Техник топшириқ

### Жиззах вилоят Галлаорол туман Халқ таълими бўлимига қарашли 56-сон мактаб ҳудудида кутубхона қуриш ишлари

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Харидор	Галлаорол туман Халқ таълими бўлими
2	Энг яхши таклиф мавзусини танлаш	Жиззах вилоят Галлаорол туман Халқ таълими бўлимига қарашли 56-сон мактаб ҳудудида кутубхона қуриш ишлари
3	Энг яхши таклифнинг рақам билан танлаш	№24
4	Бюртмачи манзили ва алоқалари	Жиззах вилояти Галлаорол тумани Ф.Фулом МФЙ Халқ таълими бўлими
5	Алоқа қилувчи шахс	Курилиш бўйича бош мутахассис
6	Энг яхши таклиф танлови эълони	<a href="http://Etender.uzex.uz">Etender.uzex.uz</a>
7	Иштирокчиларга энг яхши таклифни танлашда иштирок этишга рухсат берилади	Юридик шахслар бирлашмаларининг танловидв иштирок этишга йўл қўйилмайди
9	Лицензияланган иш турлари	Лицензия талаб қилинадиган эксперт хулосаси техник маълумотлар вароқларининг реестр нусхалари
10	Иштирокчиларнинг тушунтиришлар учун ариза бериш муддати Энг яхши таклифни танлаш	Таклифни топшириш охирги муддати 10 кун олдин
11	Таклифнинг амал қилиши муддати	Танлов таклифлари берилган кундан бошлаб қабул қилинади
12	Энг яхши таклиф танлаш ва таклифларни очик амалга оширади	Электрон
13	Таклифни баҳолаш муддати	Таклифни баҳолаш муддати таклифларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб 3 кундан ошмайди
14	Шартноманинг бажарилишини таъминлаш миқдори	Танлов натижаларига кўра аниқланган иш қийматининг 1%

	<b>МИКДОРИ</b>	
15	Мижоз чегараси нархи	914 565 800 сўм
16	Рақобат тили	Ўзбек
17	Молиялаштириш манбаи	Бюджет
18	Шартнома валютаси	Сўм

Галлаорол туман Халқ таълими

бўлими мудири:



А.Суюнов

“Тасдиклайман”

Жizzah вилоят Фаллаорол туман  
ХТБ мудири

А.Суюнов

2022 йил.



Жizzah вилояти Фаллаорол туман Халқ таълими бўлими ақарали

56-сон мактаб худудида кутубхона қуриш ишлари бўйича

### ЭЪЛОН

1. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот:

1). Ишлар , хизматларнинг батафсили тавсифи ва нархи:

Объектнинг	Жizzah вилояти Фаллаорол тумани Халқ таълими
номи	бўлимига ақарали 56-сон мактаб худудида кутубхона қуриш ишлари
Иш тур	Пудратчи (курувчи) ташкилотларини аниқлаш
Бажариладиган иш	914 565 800 (Тўккиз юз ўн тўрт миллион беш юз олтминш беш минг саккиз юз) сўм

Турининг қиймати

ҚКС қўшилган холда

Бажарини муддати 30 (Эллик) календар куни

2). Танлов ўтказиладигон жой манзили: Жizzah вилояти Фаллаорол туман Маданият МФЙ

3). Танлов хужжатлари қоидаларини изохлаш учун сўров бериш: Кўрсатилган телефон ракамлари ва ёки электрон почта орқали Электрон манзил:

4). Таклифларни бериш муддатлари тугайдиган сана ва вақти: Эълонга берилган санадан бошлаб 5 иш куни.

5). Танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар:

- Танлов иштирокчиларининг техник хужжатлари эълонда беогиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган (талабларга асосан электрон равишда муҳирлан хужжатларни ) тақдим этилади (PDF форматда электрон жойлаштирилади)(эълонда келтирилган иловалар бўйича).

- Танлов иштирокчиларининг хужжатларини, муҳр кўйилган ва иштирокчиларнинг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдикланган ёки хужжатларини хар бир вараги имзоланганди холда (электрон кўринишида PDF форматда) жойлаштириш тавсия этилади.

- Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади:

- Танлов иштирокчиси фактат битта таклиф беришга хақли:

- Танловга таклифларни қабул килиш чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тутатилади.

6). Бажарилган (иш, хизмат) учун тўлов сўмда амалга оширилади. Шартнома имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги рўйхатидан ўтгандан сўнг 30% микдорида аванс тўланади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишлар хисоб-фактураси тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш  
Комиссиясининг 2022 йил «30»Мартдаги  
2022-220-3-45-ХТ -сонли баёни билан тасдиқланган

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

### ЙЎРИҚНОМА

#### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1 Буюртмачи-Энг яхши таклифларни танлаб олиш ахборот жадвали (кейинги ўринда ТАЖ деб аталади)да кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси номидан иш юритиб. ТАЖда кўрсатилган объект бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш эълон қиласи.

1.2 Энг яхши таклифларни танлаб олиш тури очиқ агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

1.3 Ишлар энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларининг тижорт қисмида жойлашган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Курилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи шахарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, курилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характеристердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

1.5 Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатлари белгиланган тартибда техник иқтисодий асослар ёки техник –иқтисодий хисоб-китоб асосида ишлаб чиқилса ва буюртмачи обьектнин кейинги босқичлари экспертизасини ишлаб чикиш ва ўтказишни пудратчига тоширишни режалаштирса, бу хақда ТАЖда кўрсатилиши лозим. Бунда ишлар маълумотини пудратчи ўзининг энг яхши таклифларини танлаб олиш таклифининг қийматига киритиши керак.

#### II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1 Ушбу энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2 Умумий қисм энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларга таклиф шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалари қўшилган холда ўз ичига олади.

#### III. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРИНИ ТАНЛАБ ОЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1 Объект бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишда таклиф этилган шартлар асосида иштирок этиш максадида мурожаат этган маъаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари энг яхши таклифларни танлаб олишнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2 Иштирокчи энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3 Иштирокчи ўзининг энг яхши таклифларини танлаб олишда таклифларини тайёрлап ве тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларини ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси ва энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси

Энг яхши таклифларни танлаб олишда натижаларидан қатыи назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар (таклифлар) Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатида қўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

#### **IV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**

4.1. Буюртмачи Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларига ўзгартришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартришга йўл қўйилмайди. Бунда, ушбу Энг яхши таклифларни танлаб олишда таклифлар бериш тугайдиган муддат Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларига ўзгартришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси, киритилган ўзгартришлар ҳақида Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчиларга билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида иштирокчи ёзма равища Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси иштирокчининг сўрови бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишининг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равища жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчиларга жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларига ўзгартришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси шахсий ташаббуси билан ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси сўровига жавобан амалга оширилганлигидан қатъий назар “Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчига хабарнома” кўринишида расмийлаштирилади ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларига қўшимча бўлиб қолади. Шу кўринишида расмийлантирилмаган ўзгартришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартриш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Иштирокчилар хабарномани олгач унинг илова қилинган нусхасига имзо чекиб, дарҳол уни ташкилотчига қайтаришлари керак.

4.6. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

4.7. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартришлар киритиш учун зарур вақт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII боб мувофиқ таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада оферталар тақдим этиш муддатини янги охирги санаси белгиланади.

## **V. ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

5.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари Энг яхши таклифларни танлаб олиш ва лойиҳа хужжатларини ўрганиб чиқишилари керак, Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график кисми (чизмалари) ни буюртмачи ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар. Шунингдек, буюртмачи ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси лойиҳа хужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианти) ни Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилини лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

## **VI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ**

6.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Энг яхши таклифларни танлаб олишга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси томонидан тайёрланган Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва хужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларининг бошқа кисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини тайёрланада ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Иштирокчи ўз Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## **VII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ХУЖЖАТЛАР**

7.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган холлардан ташқари, иккитадан - биринчи ва иккинчи йиғма жилддан иборат. Биринчи жилдга кирувчи хужжатларда Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифи қийматига оид ҳеч қандай

ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар фақат иккинчи йиғма жилд ҳужжатларида бўлиши керак.

## **7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:**

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг маҳсус ҳисоб ракамига ўtkазиш топшириқномасининг нусхасини тақдим қилиш йўли билан Энг яхши таклифларни танлаб олишида иштирок этиш буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолати суммаси обьект бошланғич нархининг 0,02 фоизидан ошмаслиги зарур. Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал қилиш муддати ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

7.2.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг охирги икки йилдаги молиявий ахволи (3-шакл). Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботлар (баланс ҳисботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур.

7.2.3.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисбот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.4. Объект бошланғич нархининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки 20% миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги (5-шакл) (ТАЖни қаранг).

7.2.4.1. Айланма маблағлар объект бошланғич нархининг 20% дан кам миқдорини ташкил этган ҳолларда, иштирокчи айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этади.

7.2.4.3. Банк кафолати фақатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари билан таъминланган юқори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдиғига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда банк кафиллигига тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва юқори турувчи банк раҳбарининг фамилияси, исми кўрсатилади.

7.2.5. Энг яхши таклифларни танлаб олишда ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (6-шакл). Ушбу жадвалда иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар иштирокчи ёрдамчи пудратчи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари) илова қилинади.

7.2.6. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (7-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойихани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (8-шакл).

7.2.8. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (9-шакл).

7.2.9. Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирокчисига берилган, хужжатларга имзо чекиши ва Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш ҳуқукини берувчи ишончнома (10-шакл). Энг яхши таклифларни танлаб олишда раҳбар қатнашса шакл тўлдирилмайди.

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларини нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа хужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа холат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини иштирокчи ўз таклифида ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қиласди.

Қурилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга каранг.

7.4. Буюртмачи Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуидаги ҳолатларда қайтаради:

7.4.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошқа иштирокчиларга - Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагунга кадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташқари, қайтариш асоси вужудга келган вактдан эътиборан 10 (ўн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этишга буюртма таъминоти қуидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг амал қилиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.6.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда, ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака Энг яхши таклифларни танлаб олиши орқали Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилганда биринчи йигма жилд хужжатлари малакавий хужжатлар деб, иккинчи йигма жилд хужжатлари эса Энг яхши таклифларни танлаб олиши таклифи деб хисобланади.

## VII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатидан ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар иштирокчи таклиф этаётган баҳо кўрсатилган холда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Иштирокчилар пудрат ишлари Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган

қийматини, курилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиги (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Курилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри қийматига доимий коэффицент сифатида қўлланиладиган бошқа харажатлар қийматини иштирокчи мустақил равишда белгилайди ва ишлар қийматига киритади. Бунда, иштирокчи ташкилотлар таклиф этаётган нархни ҳисоблашда 1 ва 4-иловалар талабларига амал қилиши шарт.

8.2. Иштирокчи объект қурилиши (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш)нинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган қурилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда қурилиш материаллари турини Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс кайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустақил Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аниқ объект асосий қурилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект қийматининг 100 % ини (лойиҳада назарда тутилган) ташкил этувчи қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Оферент объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат додгарисиз ва тузатишларисиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.6. Энг яхши таклифларни танлаб олишда белгиланган қурилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини 2-чи ва кейинги йилга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

## **IX. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг амал қилиш даври Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари очилган кундан бошлаб 10 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишини мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

## X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча хужжатларнинг аслини ва битта нусхасини уларга “асли” ва “нусха” деб аниқ белги қўйиб, тақдим этиши керак. Улар орасида фарки бўлган тақдирда “асли”га устунлик берилади.

10.2. Таклифнинг асли ва нусхаси босма ёзувда бўлиши керак. **2,3,4,4.1,6,7,8,9** шаклларнинг ва 1,2,3,4-иловаларнинг ҳар бир бети савдо иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзо чекилган ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. 10-шакл Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг раҳбари томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган тақлифнинг барча бетлари Энг яхши таклифларни танлаб олиш тақлифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар тақлиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ҳар кандай ўзгартиришлар, четга чикишлар ёки муқобил таклифларни қабул килиш ёки рад этиши хуқукини ўзида саклаб қолади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чикишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Энг яхши таклифларни танлаб олиш тақлифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

## XI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ, ЖОЙЛАШТИРИШ ВА БЕЛГИ ҚЎЙИШ

11.1. Иштирокчини имзо ва муҳр билан тасдиқланган тақлифи, иккита бир-бирига солинган Энг яхши таклифларни муҳрланган ва йўриқноманинг 11.2, 11.3, 11.4-бандларига мувофиқ белгиланган тартибда тақдим этади (11.8-банд қўрсатилган ҳолатдан ташкари). Консорциум бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашаётганда тақлиф барча консорциум шериклар томонидан имзо ва муҳр билан тасдиқланади.

11.2. Ташки энг яхши таклифларни танлаб олиш 1-ийғма жилдга тегишли хужжатлар ва ички энг яхши таклифлар жойлашади. Ички энг яхши таклифларда эса 2-ийғма жилдга тегишли хужжатлар жойлашади.

11.3. Ташки энг яхши таклифлар қуйидагича белгиланади: - тақлифни қабул қилини манзили қўрсатилади; - иштирокчини номи; - Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг номи; - тақлифни топшириш санаси.

11.4. Ички таклифлар қуйидагича белгиланади: “иштирокчини номи”, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети номи” ва “молиявий тақлиф” ёзуви.

11.5. Ўзгартиришлар киритилган энг яхши таклифлар 11.3 ва 11.4 бандларга мувофиқ “Ўзгартиришлар” ёзуви билан белгиланади.

11.6. Тақлифни ҳисобдан чиқариш ҳакидаги хабарнома элкtronнида қуйидагилар қўрсатилади: “иштирокчи номи”, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг

**номи”, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини хисобдан чиқариш ҳақида хабарнома” ёзуви, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини хисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномани бериш санаси”.**

11.7. Дастребаки малака Энг яхши таклифларни танлаб олиши орқали Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилганда биринчи ва иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари алоҳида топширилади.

11.8. Энг яхши таклифларни танлаб олишда консорциум ташкил этиши орқали қатнашаётган барча консорциум шерикларининг номи ҳамма элкtronларда кўрсатиб ўтилади.

## **XII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИНИ БЕРИШ**

12.1. Таклифлар Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига ТАЖда кўрсатилган тартибда, ўз муддатида ва манзил бўйича тақдим этилиши керак.

12.2. Дастребаки малака Энг яхши таклифларни танлаб олиши орқали Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилганда (мазкур йўриқноманинг 1.2 бандига ва ТАЖга қаранг) дастребаки малакани ўтказиш санаси тайинланади (ТАЖга қаранг).

12.3. Буюртмачи Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси билан келишган ҳолда тақлиф бериш муддатини узайтириши мумкин. Бу ҳақида Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси хабарномалар орқали билдиради.

12.4. Оферта Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига тақдим этилгандан сўнг, у оферта қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиши китобида рўйхатга олади.

12.5. Буюртмачи томонидан лойиха ҳужжатлари Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисига мазкур йўриқнома 5.3-банди талабларига асосан тақдим этилмаган ёки рад қилинган ҳолларда иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини топшириш муддатини узайтириш ҳақида Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига мурожаат қилиши мумкин.

12.6. Юқоридаги бандда қайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, иштирокчи буюртмачидан лойиха ҳужжатларини олганлиги ҳақидаги далолатномани қабул қилган кундан бошлаб, энг камида 5 кун муддатга Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини топшириш муддатини узайтириши мумкин.

## **XIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ**

13.1. Тақлиф берилиганидан кейин иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш тақлифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартиришлар ёки тақлифни ҳисобдан чиқариш хабари таклифларни бериш муддати ичida ёзма равишда Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

13.2. Иштирокчи киритаётган ўзгартиришлар ёки тақлифни ҳисобдан чиқариши ҳақидаги хабарнома мазкур йўриқноманинг 11.5, 11.6, ва 11.7-бандларига биноан тайёрланган, муҳрланган ва белги қўйилган бўлиши ҳамда 12.1-бандда кўрсатилган Энг яхши таклифларни танлаб олиш тақлифларини бериш муддати тугамасдан олдин етказиб берилиши керак.

13.3. Тақлифлар бериш муддати тугаганда ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

## **XIV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАҲОЛАШ**

14.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмачининг манзилида ўтказилади, агардә ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаса.

14.2. Таклифлар (1 ва 2-йигма жиллар) солинган элкtronларни очиш катнашини истагини билдирган оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ҳозирлигидан ТАЖда кўрсатилган манзилда, эълон/таклифнома ёки хабарномада кўрсатилган кун ва соатда ўтказилади.

14.3. Оферентларни ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки хақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини қўйишилари керак.

14.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси таклифларини хисобдан чиқариш хақида хабарнома йўллаган оферентларини эълон килади (агар бўлса).

14.5. Таклифни хисобдан чиқариш хақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди. Энг яхши таклифларни танлаб олиш хужжатларида белгиланган муддатдан кейин тушган оферталар кўриб чиқилмайди. Таклифларни тақдим этиш санаси Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисининг таклифларни олингандиги хақидаги почта хабарномасидаги белги бўйича ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисининг таклифларни иштирокчиларга берилган санаси хақидаги хабарнома санаси бўйича аниқланади.

14.6. Йиғма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда амалга оширилади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14.7. Тақдим этилган таклифларнинг очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси зиммасида бўлади.

14.8. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари очилган кундан эътиборан узоги билан 30 куни ташкил этади.

14.9. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ташки элкtronни (1-йигма жилд хужжатларини) очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, оферентлар малакасини баҳолашни амалга оширади.

14.10. Малака баҳоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 йиғма жилдни очилишига рухсат олган оферентлар эълон қилинади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси 1-йигма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш натижалари эълон қилинмасдан олдин иштирокчилар 2-йигма жилларини очишга хаққи йўқ.

14.11. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ички элкtronни (2-йигма жилд хужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказади, ғолибни аниқлади ёки бошқа карорларни қабул қилади.

14.12. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг барча карорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи хисобланади.

14.13. Малакани баҳолаш ва яқуний баҳолаш Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

14.14. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан оферентлар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ушбу Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини рад қилишга ҳақли.

14.15. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

14.16. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг ҳар бир йигилишида баённома юритилади.

14.17. Энг яхши таклифларни танлаб олишга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

14.18. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш ишчи гуруҳларини тузади. Баҳолаш ишчи гуруҳларининг таркиби Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Жалб қилинган эксперт ва консультантларнинг хизматлари шартнома асосида буюрмачи томонидан тўланиши мумкин. Баҳолаш ишчи гуруҳларининг аъзолари Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзолари каби Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкиллаштириш ва ўтказинига доир қонунчиликка ва мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

## XV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

15.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида оферентлардан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

## XVI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

16.1. Оферентни талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шаклл ва уларга иловалар, унинг офертасида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

16.2. Оферентлар таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш ишчи гуруҳи аъзолари Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларининг баҳолаш варакларини тўлдиришиади (техник баҳолаш вараги ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

16.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш вараги қуйидаги шаклда тўлдирилади:

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ  
ВАРАГИ  
(ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Ўтиш бали	ОФЕРЕНТЛАР				
